

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ ҲАСАН РАШИДОВИЧ

**ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН
Фойдаланиб талон-тороғ қилганлик учун
ЖАВОБГАРЛИК**

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-
ижроия ҳуқуқи ихтисослиги

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Очилов Ҳасан Рашидович

Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик.....3

Ochilov Khasan Rashidovich

Liability for embezzlement of one's belongings by the use of computer tools.....24

Очилов Ҳасан Рашидович

Ответственность за хищение чужого имущества с использованием компьютерных средств.....40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ОЧИЛОВ ҲАСАН РАШИДОВИЧ

**ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ КОМПЬЮТЕР ВОСИТАЛАРИДАН
Фойдаланиб талон-тороғ қилганлик учун
ЖАВОБГАРЛИК**

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-
ижроия ҳуқуқи ихтисослиги

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Yu50 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тахиров Фарход

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфаров Рустам Ахмедович

юридик фанлар доктори, профессор

Отажанов Абборжон Анварович

юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 26 декабрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (836 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2017 йил 11 декабрда тарқатилди.
(2017 йил 11 декабрдаги 4 - рақамли реестр баённомаси).

З.Н. Эсанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Н.С. Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

Г.З. Тулаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кибержиноятчиликнинг тобора хавfli тусиб олиб, кунига 200 мингдан ортик содир этилаётганлиги, мазкур жиноятлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин мулкый зарар етказилаётганлиги¹, 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда, 2019 йилга келиб, компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар 2,1 трлн долл. ортиб кетиши мумкинлиги, ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15% га ортиб бораётганлиги², халқаро миқёсда ушбу жиноятларга қарши курашишнинг долзарблигидан далолат беради. Ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар шакл ва турларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, бугунги кунда компьютер техникасининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, унинг имкониятларни кенгайтириб, у билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар, хусусан ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайиши, уларнинг ижтимоий хавfliлиги даражасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда «Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асри»да инсоният ҳаётида оламшумул ихтиролар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини аниқлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланган банк пластик карточкаларини қалбакилаштирганлик ёки қалбаки банк пластик карточкаларини ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, ушбу жиноятлар ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш, ушбу турдаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, жиноятчи шахсини ўрганиш ва уларни олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида жамият аъзоларининг қонунларга риоя этишларини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, фуқароларни ташқаридан бўладиган хавф-хатар ва тазйиқлардан муҳофаза қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасида муайян даражада муваффақиятга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Қарори билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларининг иккинчи бандида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш»³ устувор вазифа

¹ Warren G. Kruse, Jay G. Heiser (2002). Computer forensics: incident response essentials. Addison-Wesley, p.392.

² Steve Morgan (January 17, 2016). «Cyber Crime Costs Projected To Reach \$2 Trillion by 2019». Forbes. Retrieved September 22, 2016.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

сифатида белгиланганлиги ушбу йўналишдаги ислохотларни жадал давом эттириш давр талаби эканлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб ўзгалар мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК167-м.3-қ.«г» б.) 2010-2016 йилларда 10.5% га; ушбу воситалардан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик (ЖК168-м.2-қ. «в» б.) 20,6% га, компьютер тизимига рухсатсиз кириб, содир этилган ўғрилиқ (ЖК169-м.3-қ.«б» б.) 16% га ошганлиги, мазкур қилмишларнинг аксарияти латент бўлиб қолаётганлиги боис, юридик ва жисмоний шахсларга етказилаётган жуда кўп миқдордаги зарар қопланмаётганлиги, шахсларнинг бузилган мулкый ҳуқуқларини тиклашнинг иложи бўлмаётганлиги ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарликни янада такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодекси» (1994), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (2017) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарликнинг айрим масалалари мамлакатимиз олимларидан - А.П.Аллаберганов, П.Бакунов, Ш.Ё.Абдуқодиров, Р.Кабулов, У.М.Мирзаев, ахборот технологияси соҳасидаги жиноятлар, А.К.Расулев ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян доирада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда, компьютер жиноятчилигининг ўзига хос ва у билан боғлиқ масалаларни назарий жиҳатлари В.А.Дуденко, Т.Л.Тропина, А.Л.Осипенко, А.С.Егорышев, В.В.Хилюта, Э.Мелик, А.В.Сорокин, П.Б.Гудков, С.Г.Спирина, Д.С.Уолл, Т.Кроун, С.М.Фарнелл, Д.Мэрфи, С.Морган, Ф.Барлоу, Д.Хэйтон, Н.Батлей, Хуэй Шень Ву, У.Зиббер¹ томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари фақат умумий талон-торож ёки компьютер соҳасидаги жиноятчиликка бағишланган

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. Тошкент: – Адолат, 2017. – Б. 13.

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

бўлиб, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарликга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарликка оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари», «Жазони ижро этишга оид норматив ҳужжатларни ва жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш муаммолари» ҳамда «Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш ҳамда олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини аниқлаш;

ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишга жиноят-ҳуқуқий тавсиф бериш;

Ўзбекистон Республикаси ЖКга «Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш» деб номланувчи янги моддани киритиш заруратини асослаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида қарори» лойиҳасини ишлаб чиқиш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланган банк пластик карточкаларини қалбакилаштирганлик ёки қалбаки банк пластик карточкаларини ўтказганлик учун ЖКда жиноий жавобгарлик белгилаш;

ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишга умумий тавсиф бериш, ушбу жиноятлар ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш;

ушбу турдаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, жиноятчи шахсини ўрганиш ҳамда уларни олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ушбу жиноятларга қарши курашни такомиллаштириш имкониятларини асослаш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ўзгалар мулкни компьютер воситалари орқали талон-торож қилишга қарши кураш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, киёсий ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятчилик сабаблари, шароитлари, жиноятчи шахси ҳамда уларни олдини олишга оид таклифлар асослантирилган;

компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва шу кабиларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши тўғрисидаги таклиф асосланган;

компьютер фирибгарлиги компьютер тизимида ишлов берилдиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақаланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан, компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклиф асосланган;

агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмиш компьютер фирибгарлиги сифатида баҳоланиши мумкин эмаслиги асосланган;

фирибгарлик жинояти анча миқдорда содир этилганда, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклиф асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун ЖКда алоҳида моддада жавобгарлик белгилашга доир таклиф ишлаб чиқилган;

ушбу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, адолатли жазо тайинлаш мақсадида ЎР Олий суди Пленумининг «Ўзгалар мулкни

компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар асослантилган;

нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланган пластик карточкаларни ўтказиш мақсадида қалбакилаштирганлик учун амалдаги ЖКда жавобгарлик белгилашга оид тавсия асосланган;

мазкур жиноятларнинг олдини олиш чоралари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик ва олдини олишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, жиноят қонунини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини тайёрлашда, Ички ишлар ва прокуратура органлари фаолиятида, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, криминология модулларини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар фаолиятида, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини яхшилашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарликка бағишланган натижалари асосида:

ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятчилик сабаблари, шароитлари, жиноятчи шахси ҳамда уларни олдини олишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар тизимига тегишли ҳужжатлар асосида жорий этилган (2017 йил 01 декабрдаги 7-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ

жиноятчиликни олдини олишга кўмаклашади;

компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва шу кабиларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35 сонли янги таҳрирда қабул қилинган «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 04 декабрдаги ПЛ-78-17 сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этишни тўғри ва бир хилда тушунишга кўмаклашади;

компьютер фирибгарлиги компьютер тизимида ишлов берилдиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан, компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35 сонли янги таҳрирда қабул қилинган «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 04 декабрдаги ПЛ-78-17 сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш усуллари аниқлашга хизмат қилади;

агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмиш компьютер фирибгарлиги сифатида баҳоланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли янги таҳрирда қабул қилинган «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 20 бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 04 декабрдаги ПЛ-78-17 сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги қонунларни амалиётда қўллаш кўникмаларига ижобий таъсир кўрсатади, содир этилган қилмишларни тўғри квалификация қилишга кўмаклашади;

фирибгарлик жинояти анча миқдорда содир этилганда, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 168 моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (2017 йил 26 июлдаги 04/780-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар мазкур жиноятларни содир этган шахсларга адолатли жазо тайинланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 7 та Республика

илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 13 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинойтларининг тушунчаси ва ижтимоий хавфлилиги; хорижий мамлакатларда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган.

Мазкур бобда, компьютер жинойтчилиги, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш тушунчалари, олимларнинг фикрлари атрофлича таҳлил қилинган ва муаллифнинг нуқтаи назари асослаб берилган. Жумладан, тадқиқотда талон-торож қилишнинг қуйидаги белгилари ажратилган: 1) талон-торож ўзганинг мол-мулкига ёки мулкый ҳуқуқларига нисбатан амалга оширилади; 2) ўзганинг мол-мулкани ғайриқонуний олиб қўйилади ва (ёки) айбдор ёки бошқа шахсларнинг мулкига айлантирилади; 3) талон-торож қонунга хилоф равишда амалга оширилади; 4) мол-мулк текинга олиб қўйилади; 5) қилмиш натижасида мулкдорга ёки мазкур мол-мулкнинг бошқа эгасига мулкый зарар етказилади; 6) талон-торож қасддан, ғараз мақсадда содир этилади.

Ишда компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этилган талон-торожнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари ажратиб кўрсатилган:

биринчидан, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда жинойтнинг предмети асосан электрон кўринишдаги

пул маблағи (нақд бўлмаган пул)да ва ушбу нақд бўлмаган пул маблағларининг алоҳида маълумот кўринишида ҳисоб рақамларда ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси ҳисобланган пластик карточкаларда эканлиги;

иккинчидан, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш бошқа талон-торож жинойтларидан қуйидаги содир этиш усулларига кўра фарқланади: а) жинойт предметига тажовуз қилишнинг ўзига хослиги (ашёвийлик белгисига эга бўлмаган ахборот кўринишидаги мулкка компьютер воситаси орқали ишлатиш мумкин бўлган қуроллар (компьютер дастур)ларидан фойдаланган ҳолда зарар етказиш); б) жинойт содир этиш усулини аниқлаш гумон қилинаётганини қидириш мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаш имконини бериши; в) жинойт айнан қандай восита ва ускуналардан фойдаланиб амалга оширилганлигини кўрсатиши; г) жинойт изи (виртуал из)ни топиш ва муҳим бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга хизмат қилади; д) жинойт процесси субъектларини чалғитиш ёки боши берк кўчага киритишга ҳаракат қилинаётганлиги эҳтимоли аниқланади;

учинчидан, жинойт виртуал кибермуҳитда содир этилиши боис, айбдорларнинг кўп ҳолларда маълум вақтгача аниқланмаслиги ёки жинойтнинг латентлик даражасини юқорилиги;

тўртинчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракатни муайян масофадан содир эта олиш имконияти мавжудлиги, жинойт содир этишнинг тезкорлиги ва бунда ўз шахсини яшириш имконияти мавжудлиги, шунингдек, жабрланувчига етказилган зарар миқдорининг жуда кўплиги;

бешинчидан, жинойтларни замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги махсус билимлардан фойдаланмасдан очиш ва фoш қилишнинг имкони йўқлиги;

олтинчидан, жинойтнинг жабрланувчиси ҳар қандай шахс эмас, банк ёки кредит муассасалари; банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

Муаллиф ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган қилмишларни тўғри квалификация қилиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК нормаларини қўллашда бироз қийинчиликлар мавжудлигини таъкидлайди. Бу, биринчидан, ЖКда жавобгарликнинг битта моддада эмас, балки умумий талон-торож учун жавобгарлик белгиланган моддалар (алоҳида бандлар сифатида) назарда тутилганлиги; иккинчидан, ЖКга киритилган ахборот технологиялари соҳасида деб номланувчи янги бобда ҳам ушбу масаланинг ечилмаганлиги; учинчидан, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинойт таркибининг ўзига хослиги (унинг умумий талон-торождан ҳам, ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтлардан ҳам фарқланиши); тўртинчидан, бугунги кунда суд-тергов амалиётида ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳолатларининг кўпайиб бораётганлиги; бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик ёхуд ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилиш жинойтлари бўйича алоҳида

қарорининг мавжуж эмаслиги; олтинчидан, амалдаги ЖКда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг етказилган зарар миқдоридан қатъий назар, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилганлиги билан изоҳлайди.

Юқоридагиларга асосланиб, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси ЖКга ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи алоҳида модда киритилиши зарурати асосланган. Муаллиф ўз таклифини: *биринчидан*, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳозирда жаҳон миқёсида шиддат билан ортиб бораётган ўта хавфли трансмиллий жиноят эканлиги; *иккинчидан*, мазкур жиноятнинг кўпинча расмий статистик маълумотларда акс этирилмаётганлиги (латентлик даражаси юқорилиги) боис, қарши курашни кучайтириш; *учинчидан*, ушбу жиноятнинг талон-торож жиноятларидан бир қатор хусусиятлари билан фарқланиши туфайли, уни тўғри квалификация қилиш учун алоҳида моддада жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Мазкур бобда хорижий мамлакатлар жиноят қонунларининг таҳлили асосида компьютер жиноятлари қўйидаги гуруҳларга ажратилган: 1) компьютер техникаси ва маълумот ташувчи воситаларни ноқонуний равишда эгаллаш, олиб қўйиш, йўқ қилиш ёки шикаст етказиш; 2) компьютер ахборотидан ноқонуний фойдаланиш, модификациялаштириш, вирус дастурларини ишлаб чиқиш, фойдаланиш ёки тарқатиш бунда компьютер ахбороти жинойий тажовуз объекти ҳисобланади; 3) компьютер техникасидан жиноят содир этиш қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиб, компьютер тизимидаги ахборотни модификация қилиш орқали ўзганинг мулкига эгалик қилишга қаратилган жиноятлар.

Диссертант Ўзгалар мулкани компьютер воситаси орқали талон-торож жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиб, уларни шартли равишда қўйидаги гуруҳларга ажратган: 1) мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар кенг талқин қилинган ва компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган талон-торожлар қонун аналогияси бўйича квалификация қилинадиган давлатлар; 2) компьютер талон-торожликлари оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида мулкка қарши жиноятлар билан квалификация қилинадиган давлатлар; 3) мулкка қарши жиноятлар учун махсус қонунларда жавобгарлик белгиланган давлатлар; 4) компьютер ёрдамида талон-торож содир этиш учун жиноят қонунида алоҳида модда мавжуд давлатлар.

Ишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКда «Компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб ўзгалар мулкани талон-торож қилиш» деб номланган янги модда билан тўлдирилиши, шу муносабат билан ЖК 167-моддаси 3-қисми «г» банди, 168-моддаси 2-қисми «в» банди ҳамда 169-моддаси 3-қисми «б» банди чиқарилиши, шунингдек ЖК 139, 159, 162, 247, 251, 251¹, 252, 271, 273, 278²-моддаларини такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар

асослантирилган.

Диссертациянинг «Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятларининг юридик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг объектив ва субъектив белгилари; компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этилган талон-торожни квалификация қилиш масалалари ўрганилган.

Мазкур бобда жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони ёритилган. Бунда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда жиноят предмети сифатида қабул қилинган компьютер ахбороти кўринишидаги нақд бўлмаган пулнинг куйидаги ўзига хос белгилари: 1) жиноят предмети сифатидаги компьютер ахборотининг мулк ҳисобланиши; 2) жиной тажовузга учраган ахборот - талон-торож жинояти предмети сифатида ашёвийлик (жисмоний шаклга эгаллик) белгисига эга эмаслиги; 3) жиноятчи таъсир қиладиган компьютер ахбороти бир қатор бошқа қонунлар («Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ва ҳ.к) билан ҳам ҳимоя қилиниши; 4) ушбу ахборотларнинг ахборот ташувчи қурилмаларда (пластик карточка)да, компьютер тизими ёки тармоғида сақланиши кабиларга ажратилган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш асосида, ЖКнинг XII боби 176-моддасида қалбаки банк пластик карточкаларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик белгилаш ҳамда модда номи ва 1-қисми диспозициясини куйидаги таҳрирда бериш таклиф этилган:

«176-модда. Қалбаки пул, акциз маркаси, қимматли қоғозлар ёки пластик карточкани яшаш, уларни ўтказиш

Ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ёхуд пластик карточкани яшаш ёки уларни ўтказиш».

Мазкур диспозицияга кўра, айбдор ўтказиш мақсадида қалбаки банк пластик карточкасини тайёрлаган вақтдан бошлаб унинг қилмиши тамом бўлган жиноят сифатида эътироф этилади. Агар айбдорнинг ушбу қилмишида бошқа бир жиноят (масалан: ҳужжатларни сохталаштириш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) аломатлари бўлса унинг ҳаракатлари ушбу қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан квалификация қилинади.

Диссертацияда биринчи бор компьютер фирибгарлигидаги алдашнинг куйидаги ўзига хос хусусиятлари: 1) компьютер воситаси орқали жабрланувчига ёлғон маълумотни етказиш (масалан: лотерияда ғолиб бўлганлигини таъкидлаб ютуқни олиш учун маълум суммани айтилган манзилга жўнатиш ёки яширин қаллиқ ўйини ва ҳ.к) компьютер фирибгарлиги таркибини ташкил қилмаслиги; 2) компьютер, фирибгарликни

амалга ошириш воситаси сифатида жиноятни бевосита содир этишга ёрдам бериши лозимлиги (яъни компьютер ахбороти тизимида сақланаётган маълумотларни модификация қилиш (ўзгартириш) орқали алдовни амалга оширилиши тушунилади); 3) компьютер ахборотининг модификацияси натижасида жиноят предмети мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда бериши каби белгиларнинг бир вақтда мавжуд бўлиши лозимлиги исботланган.

Ишда нафақат ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ва растрата, балки талончилик ҳам компьютер воситасидан фойдаланиб содир этилиши мумкинлигини асослаб берилган ҳамда унга таъриф берилган. Яъни, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талончилик йўли билан талон-торож қилиш деб, компьютер воситаси орқали очикдан-очик, қасддан компьютер ахбороти тизимига қонунга хилоф равишда ҳужум қилган ҳолда, ундаги маълумотларни модификация қилиш орқали ўзганинг компьютер ахбороти кўринишидаги мулкни қайтариб бермаслик, мулкдорга мулккий зарар етказиш мақсадида, ғараз ният билан ўрнини қопламасдан, текинга эгалланишига айтилади.

Муаллиф томнидан ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятлари объектив томондан кўйидагича содир этилиши аниқланган: а) ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда айбдор мулк тақдирини белгиловчи маълумотлар базасига қонуний равишда киради ва ушбу мулк тақдирини белгиловчи маълумотларни модификация қилиш орқали нақд бўлмаган пул маблағини ноқонуний равишда ўзлаштиради ёки растрата қилади; б) ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишда шахс компьютер тизимидаги мавжуд маълумотлар базасига ноқонуний кириб, била туриб ушбу маълумотлар базасига ёлғон маълумотларни киритиш орқали жабрланувчини алдаб ёхуд ишончини суиистеъмол қилиб, мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни эгаллайди; в) ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўғрилик йўли билан талон-торож қилишда шахс ахборот тизими фаолиятига қонунга хилоф равишда кириб, ахборот хавфсизлиги тизимини бузиб, ахборот тизимида сақланаётган маълумотларни модификация қилиш орқали, ўзганинг мол-мулкни яширинча эгаллаб олади; г) ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талончилик йўли билан талон-торож қилишда эса, жиноятчи ўз хатти-ҳаракатларидан бошқаларнинг хабардорлигини била туриб, ахборот тизими фаолиятига қонунга хилоф равишда ҳужум қилиб, хавфсизлик тизимини бузиб кириб, ахборот тизимида сақланаётган маълумотларни модификация қилиш орқали ўзганинг мол-мулкни очикдан-очик эгаллаб олади.

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растара йўли билан талон-торож қилишда айбдор компьютер ахбороти тизимидан қонуний фойдаланган ҳолда қасддан ҳаракат қилади. Ушбу ҳолатда қасднинг тафаккурий ҳолати сифатида айбдор ўзи содир этаётган

қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, айбдор ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда эгаллаётганлигини англайди; иккинчидан, мулкни мулкдорнинг эгалигидан ўрнини қопламасдан эгаллаш учун ўзида ҳақиқатда ёки фараз этилган ҳуқуқларининг ҳам мавжуд эмаслигини англайди; учинчидан, талон-торож қилинаётган мулкка нисбатан ўзининг махсус ваколатлари мавжуд эканлигини (айбдор ўзи талон-торож қилаётган мулкни унинг ўзига ишониб топширилганлигини ёки ихтиёрида турганлигини) билади; тўртинчидан, ушбу қилмиш оқибатида мулкдорга моддий зарар етказишини англайди. Яъни, ушбу вазиятда айбдор компьютер ахбороти (нақд бўлмаган пул) кўринишидаги мулкка нисбатан маълум бир ҳуқуқларга, яъни хизмат вазифаси туфайли мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлсада, у ўзгалар мулкни ўзининг фараз мақсадлари йўлида тасарруф этишга ҳаққи йўқлигини аниқ билади.

Компьютер воситасидан фойдаланиб талон-торож қилиш ЖК 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) 3-қисм «г» бандида «компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса», 168-моддаси (фирибгарлик) 2-қисми «в» бандида «компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса», 169-моддаси (ўғрилиқ) 3-қисми «б» бандида «компьютер тизимига рухсатсиз кириб» деган шаклда тарқоқ ҳолда берилган. Айни дамда ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноят таркиби (жиноят объекти, объектив томони) нуктаи назаридан ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланишини инобатга олиб, мазкур жиноий қилмишларни ягона моддага бирлаштириш ва ушбу моддада жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Яъни «169¹-модда. Компьютер техникаси воситасидан фойдаланиб ўзгалар мулкни талон-торож қилиш

Компьютер тизимида сақланаётган, қайта ишланаётган ёки узатилаётган ахборотни модификация қилиш (ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотлар киритиш) орқали ўзгалар мулкни талон-торож қилиш ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- г) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».

Қатор мамлакатлар, жумладан Беларусь Республикаси ҳамда МДХ давлатларининг наъмунавий ЖКда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш алоҳида жинойт тури сифатида мустаҳкамланганлиги тадқиқотнинг таклифи ўринли эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жинойтларнинг кримнологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш сабаблари, олдини олиш чоралари ўрганилган.

Жинойт ишлари таҳлили асосида ўзгалар мулкани компьютер воситасидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг асосий сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар аниқланган: 1) молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари маълумотларини масофавий узатиш учун алоҳида ишчи станция сифатида қўлланиладиган компьютерда ишлаш рухсат этилган ходимларнинг назоратсизлиги; 2) хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳаракатларининг назоратсизлиги. Бу ҳол жинойтчига юқорида кўрсатилган компьютер техникаси воситаларидан жинойт содир этиш учун восита сифатида фойдаланиш имконини беради; 3) дастурий таъминотни ҳимоя қилиш даражасининг пастлиги; 4) ишчи станция ва унинг дастурий таъминотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишдан ҳимоя қилувчи пароллар тизимининг мукамал эмаслиги; 5) ташкилотда махфийлик режими ва тижорат ахборотининг махфийлиги ҳамда унинг хавфсизлиги учун жавоб берадиган мансабдор шахснинг масъулият ва жавобгарлиги етарли даражада белгиланмаганлиги; 6) машина ахбороти шаклида мавжуд бўлган қатъий молиявий ҳисобот ҳужжатларидан фойдаланишига рухсат этилган ходимларнинг тоифалаштирилмаганлиги.

Қатор олимларнинг фикрича, махсус кримнологик профилактика, жинойтлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга бевосита қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Диссертант ўрганилаётган жинойтларни олдини олиш чораларини қуйидаги: 1) ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торожни олдини олишда умумижтимоий чораларига: иқтисодийнинг барқарор ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, иқтисодий самарадорлик ва

ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳоли маънавиятини мустаҳкамлаш.
2) ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишни олдини олишнинг махсус чораларига ажратиб ўрганган.

Тадқиқотчи жиноятларни махсус олдини олиш чораларининг қуйидаги уч асосий гуруҳига:

а) ҳуқуқий чоралар - компьютер жиноятчилигининг олдини олиш аввало қонун ҳужжатларига компьютер техникаси соҳасидаги ғайриқонуний қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгиланган нормаларининг киритилиши;

б) ташкилий-бошқарув чоралари: 1) ахборотнинг чиқиб кетиши, талон-торож қилиниши, йўқотилиши, бузиб кўрсатилиши ва қалбакилаштирилишининг олдини олиш; 2) ахборотни йўқ қилиб юбориш, модификациялаштириш, бузиб кўрсатиш, ундан нусха кўчириш, уни тўсиш, ахборот ресурслари ва тизимларига қонунга хилоф равишда аралашиш кабиларнинг олдини олиш; 3) электрон ахборотнинг хусусий мулк объекти сифатида амал қилиши учун ҳуқуқий режимни таъминлаш; 4) давлат сирлари ва ҳужжатлаштирилган махфий ахборот сирини сақлаш; 5) ахборот борасидаги жараёнларда ва ахборот тизимлари, технологиялар ва уларни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва қўллашда субъектларнинг ҳуқуқларини таъминлаш;

